

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 3 ноябрь, № 212 (6395) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Жарқўрғон туманидаги “Жарқўрғон қурилиш конструкциялари” масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган модернизациялаш тадбирларидан сўнг бу ерда ишлаб чиқарилаётган темир-бетон буюмлари тури 30 тага етди.*

### Бунёдкорлик кўлами кенгаймоқда

Шу билан бирга, тайёрланаётган қурилиш ашёлари сифати ҳам тубдан яхшиланди.

— Жорий йилнинг ўтган даврида 2 миллиард сўмлик темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, — дейди корхона раҳбари Худойқул Кўчкинов. — Бундай натижага линияларни камхарж ва иш унуми юқори бўлган технологик ускуналар билан жиҳозлаш ҳисобига эришилди. Ғишт тайёрлаш цехимизда эса йилига 1 миллион донадан зиёд деворбоп материал тайёрланмоқда.

Корхонамиз кўп тармоқли бўлиб, айни пайтда қишлоқларда намунавий лойиҳа асосида уй-жойлар ҳам барпо этаяпмиз. Асосий қурилиш материаллари ўзимизда тайёрланаётгани боис бунёдкорлик ишларини сифатли ҳамда қисқа муддатларда ниҳоясига етказмоқдамиз.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ишлаб чиқариш ҳажми ошди

*Фарғона шаҳридаги “Far silver plast” хусусий корхонаси уч нафар ходим билан фаолият бошлаган эди. Айни пайтга келиб, бу ерда 20 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.*

Улар томонидан хорижнинг энг илғор технологик ускуналари ёрдамида тайёрланаётган 18 турдаги пластмасса маҳсулотлари, уй-рўзғор буюмлари мамлакатимизнинг барча ҳудудида харидорини топиб улгурган.

— Болалар учун махсус ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик, — дейди корхона раҳбари Фаррух Абдураҳмонов. — Фаолиятимизни янада кенгайтиришда банкнинг 330 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаландик. Модернизация тадбирларидан сўнг ишлаб чиқариш ҳажми 20 фоиз ошди. Шунингдек, айланма маблағимизни ҳам кўпайтирдик.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда вилоятда иш билан банд бўлганларнинг 70 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида меҳнат қилмоқда. Мазкур соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 59 фоиздан зиёдни ташкил этаяпти.

**Набижон СОБИРОВ.**

### Кичик корхонанинг кўркам мебеллари

*Қашқадарёда кичик бизнесни жадал ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар вилоятда мазкур соҳа вакиллари сафи кенгайишига хизмат қилмоқда. Буни жорий йилнинг тўққиз ойида воҳада 1309 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилганида ҳам кўриш мумкин.*

Касби туманидаги “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида иш бошлаган “Сарвар-Нурбек-Элбек” корхонаси — шулардан бири. Ушбу корхона тижорат банки кредити ҳамда тадбиркорлар маблағи эвазига ташкил қилинди. Сармоя хориждан замонавий технологиялар келтириб, 6 турдаги мебель ишлаб чиқаришга йўналтирилди.

— Ҳозир цехимизда ўнга яқин киши меҳнат қилмоқда, — дейди корхона раҳбари Шерзод Тошқулов. — Яқин кунларда буюртмаларимиз сони ортиши ҳисобидан қўшимча иш ўринлари яратиш ҳамда фаолиятимизни кенгайтиришни режалаштирганмиз.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАШАББУС, ТАЖРИБА ВА ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

*Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида рўй бераётган ўзгариш ҳамда янгиланишлар кўлами ниҳоятда кенг. Айниқса, ишлаб чиқариш корхоналарининг изчил модернизация қилинаётгани, улар ўртасида кооперация алоқалари тобора мустаҳкамланаётгани ички бозорни ўзимизда тайёрланган замонавий ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида, экспорт салоҳиятини ошириш имконини бермоқда.*





Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида давом этаётган IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси том маънода ана шундай ижобий ўзгаришларни намойиш қилиш майдонига айланган, десак, асло муболаға бўлмайди. Чунки унда нафақат саноатчилар ўзаро тажриба алмашиб, маҳсулот сотиш ёки харид қилиш бўйича келишувга эришаяптилар, балки кенг жамоатчиликни рўй бераётган янгиликлардан хабардор қилишмоқда.

Жорий йилги ярмаркада республикамизнинг автомобилсозлик, машинасозлик, электротехника, қурилиш материаллари, металлургия, кимё, нефть-кимё, озиқ-овқат, енгил саноат, фармацевтика сингари тармоқларининг 2 мингга яқин компания, корхона ва ташкилотлари ўз маҳсулотларини намойиш этаётир. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти илмий ишланмалар асосида тайёрланган импорт ўрнини босувчи янги маҳсулотлардир.

— Масалан, биз келтирган 100 дан ортиқ турдаги маҳсулотларнинг олтитаси Маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йилда ишлаб чиқарилди, — дейди “Ўзметкомбинат” акциядорлик жамияти бош муҳандисининг ўринбосари, муҳандислик маркази раҳбари Рашид Пирматов.

**(Давоми 2-бетда).**

Жорий йилги ярмаркада республикамизнинг 2 мингга яқин компания, корхона ва ташкилотлари “Ўзэкспомарказ” мажмуасининг 6 та кўргазма зали, 2 та атриум ҳамда 20 минг квадрат метрлик очиқ майдонида ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Шунингдек, унда 50 дан ортиқ мамлакатларнинг 1300 дан зиёд фирма ва компаниялари вакиллари қатнашаяпти.

# Устувор масалалар муҳокама қилинди

*Жойларда ўтказилаётган фаоллар йиғилишларида Президентимизнинг 2015 йил 16 январда бўлиб ўтган мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жорий йилнинг 9 ойида ҳудудларда амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилиниб, истиқболдаги режалар муҳокама этилмоқда.*

## ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

### Жиззах

Вилоят ҳокими С. Исмаилов бошқарган фаоллар йиғилиши сим орқали мулоқот тарзида ташкил этилди. Унда таъкидланганидек, 2015 йилнинг тўққиз ойида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 8,9 фоиз, хусусан, саноат маҳсулотлари 13,7, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,8, қурилиш ишлари 11,1 ва чакана товар айланмаси 19,3 фоиз ўсди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида кичик бизнес субъектларига яратилаётган имкониятлар боис соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 81,6 фоизга етди.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан ажратилган кредит маблағлари эвазига саноат соҳасида 172 та, қишлоқ хўжалигида 618 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 638 та лойиҳа рўёбга чиқарилди.

Йиғилишда ҳисобот даврида намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қуриш бўйича Давлат дастуридан келиб чиқиб, 15 массивда 234 та янги уй-жой қурилгани алоҳида қайд этилди. Уларда 19 километрлик электр, 22,9 километрлик табиий газ ва 22,6 километрлик ичимлик суви тармоқлари тортилди ҳамда 8 та бозор ва бошқа ижтимоий иншоотлар барпо этилди.

Шунингдек, бу даврда Бандлик дастури асосида 40 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди ва энг муҳими, 15 минг 883 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчисининг бандлиги таъминланди.

Тадбирда эришилган ютуқлар эътироф этилиб, йўл қўйилган айрим камчиликлар танқид қилинди ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Жиззах вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ходиев сўзга чиқди.

**(Давоми 2-бетда).**



***«Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир».***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасидан.

# Ишончли ҳимоя, эркин фаолият

*Мамлакатимизда хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш, эркин ва самарали бизнес юритиши учун ҳар томонлама қулайлик яратиш устувор аҳамият касб этмоқда.*

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва ушбу ҳужжат ижроси доирасида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун хусусий секторнинг иқтисодиётимиздаги роли ва ўрнини мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги тўсиқ ва чекловларга буткул барҳам бериш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада ошириш учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш ишлари такомиллашув босқичига чиқди.

Мана шундай кенг имкониятлар туфайли Жиззах вилоятида ҳам тадбиркорлик субъектларининг сони тобора ортиб бормоқда. Бу, аввалambор, фуқароларимизда ўз ишбилармонлик салоҳиятини намоён этиб, мулкдор бўлишга қизиқиш ва интилиш сезиларли даражада кучайганидан, ушбу конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқаришида давлат ҳар томонлама қўллаб-қувватлашига ишонч ҳисси ортиб бораётганидан далолат беради. Ўз навбатида, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида хусусий сектор салмоқли ўрин тутаётир.

**(Давоми 2-бетда).**

# МАЪМУРЧИЛИК ВА ФАЙЗУ БАРАКА МАНБАИ

*Кунлар совиб, қиш фасли яқинлашиб қолганига қарамай, бозорларимизда сархил мева ва полиз маҳсулотлари мўл-кўллигидан кўз қувонади. Ноз-неъматлар билан тўла расталарни оралар экансиз, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, тўкин ва фаровон ҳаётдан қалбингизда шукроналик ҳисси жўш уради.*

## ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида кўп йиллик бой тажриба ва юксак илмий салоҳиятга эга. Бу Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соҳа истиқболига қаратилаётган алоҳида эътиборда яққол намоён бўлаётир. Хусусан, ўтган йилларда жон бошига тўғри келадиган гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари 1,6 карра, картошка 1,7 баробар, сабзавот 2 мартадан зиёд, мева қарийб 4 баробар ортди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтарди. Мазкур ҳужжат мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари маъмурчилиги ва оилалар фаровонлигини таъминлаш, нархлар ошиб кетишининг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,6 фоиз ўсди.

Юртимизда пишиқчилик мавсуми март ойидан бошланиб, бутун йил мобайнида бозорларга узум, қовун, хурмо ва беҳининг кечки навлари етказиб бериладиган декабрь ойига қадар давом этади. Ҳосил йиғиш мавсуми якунлангач, маҳсулотлар нестнобуд бўлишининг олдини олиш, кейинги пишиқчиликкача бўлган муддатда халқимиз дастурхонига узлуксиз етказиб бериш, аёзли кунларда нарх-навонинг ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини яратиш доимий эътиборда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, 2015/2016 йиллар куз-қиш даврида аҳолининг мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун мамлакатимиз миқёсида 700 минг тонна захира яратиш белгиланган. Шу мақсадда 800 минг тонна сиғимга эга омборлар шай ҳолатга келтирилиб, барча тайёрлов, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари, фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва аҳоли билан тегишли тартибда шартномалар тузилган.

Бу жараёнда кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари қаторида “Ўзулгуржисавдоинвест” уюшмаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Уюшма тасарруфидаги корхоналарнинг маҳсулот харид қилиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида тижорат банкларидан 13 миллиард сўмдан зиёд сармоя олинди. Уюшма тизимидаги ҳудудий улгуржи базаларнинг 30 миллиард сўмдан зиёд маблағлари ҳисобидан ҳозирги кунга қадар 41 минг тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, 7 минг тонна картошка, 17 минг тонна пиёз, 9 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот, 9 минг тонна гуруч ва бошқа маҳсулотлар жамғарилди. Ноябрь ойи охирига қадар бу кўрсаткични 70 минг тоннага етказиш режалаштирилган.

**(Давоми 2-бетда).**

# ТАШАББУС, ТАЖРИБА ВА ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Иссиқ ва совуқ ўтказмайдиган материаллар, пайвандлаш электродлари шулар жумласидандир. Натижада ҳозирги кунгача 224,3 миллиард сўмлик ички шартномалар имзолаган бўлсак, экспорт бўйича 161,5 миллион АҚШ долларилик келишувларга эришдик.

Тадбир ташкилотчиларининг қайд этишича, ярмаркада тегишли вазирлик ҳамда идоралар, суғурта компаниялари, банклар, стандартлаштириш, сертификатлаш соҳаларига ихтисослаштирилган ташкилотларнинг стендлари ташкил этилиб, давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар мунтазам равишда ўтказилаётгани унинг янада самарали бўлишини таъминламоқда.

— Айнан шундай тақдимот маросимлари ва бошқа тадбирлар туфайли биз, иштирокчилар юртимиз саноат тармоқларидан ташқари, дунё миқёсидаги янгиликлар билан ҳам яқиндан танишиб бораяпмиз, — дейди “Namangan Rezina Plast” шуъба корхонасининг сотув бўлими бошлиғи Илҳом Раҳматуллаев. — Айтайлик, ушбу тадбирда 2007 йилдан буён қатнашиб келаётган бўлсак, ўтган давр ичида ундан фақат фойда кўраяпмиз. Яъни ярмарка сабаб бозор талабларини чуқур ўрганиб, ишимизни такомиллаштиришга эришаяпмиз. Доимий ҳамкорларимиз — “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналар, хусусий ишлаб чиқариш субъектлари билан алоқаларни янада мустаҳкамламоқдамиз. Галдаги тадбирда улар билан 2016 йилда маҳсулот етказиб бериш бўйича 2 миллиард сўмликка яқин шартномалар туздик.

IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўз ишини давом эттирмоқда.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# МАЪМУРЧИЛИК ВА ФАЙЗУ БАРАКА МАНБАИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ҳамда қиш мавсумида ички истеъмол бозорини барқарор таъминлаш учун уюшмамизда барча чоралар кўрилди, — дейди “Ўзулгуржисавдоинвест” уюшмаси раиси Зафар Файзиев. — Бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг танқислиги ва нархлар ошишининг олдини олиш мақсадида совутқичли омборхоналарда керакли миқдорда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари жамғариш ишлари давом эттирилмоқда. Тизимдаги 57 ҳудудий улгуржи савдо базасининг деярли барчасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш имконияти мавжуд. Маҳсулотларнинг етарли захирасини яратишда “Бухоро гўшт-сут савдо” акциядорлик жамияти, “Андижон гўшт-сут савдо”, “Хоразм озиқ-овқат моллари”, “Қашқадарётижоратсавдо”, “Наманганулгуржисавдоинвест”, Қорақалпоғистон Республикасидаги “Барака-Тўрткўл”, Самарқанд вилоятидаги “Ширин омад сервис”, Тошкент вилоятидаги “Янгийўлулгуржисавдобазаси” масъулияти чекланган жамиятлари пешқадамлик қилмоқда.

Мева-сабзавот ва бошқа экинлар мавсумий бўлгани боис маҳсулотларни захирага қўйиш, уларни сифатли сақлаш уюшма тизимидаги корхоналарнинг доимий эътиборида. Зеро, омборлар мавсумга талаб даражасида тайёрланса, аҳолини келаси пишиқчилик мавсумига қадар сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имкони яратилади. Корхоналардаги илиқ ва салқин омборхоналар, совитиш ҳамда музлатиш камераларида маҳсулотларни янги ҳосил пишиб етилгунча бемалол сақлаш мумкин. Тухум, гўшт ва сут маҳсулотлари совитиш камераларида, алоҳида ҳарорат талаб қилмайдиган дуккакли дон, макарон, чой, шакар, қандолат каби маҳсулотлар омборларда сақланади. Маҳсулотлар сифати, совутқич ҳамда омборлар ҳарорати тўла назорат қилиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги “2011 — 2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мавжуд омборларни реконструкция қилиш ва замонавий совитиш ускуналари ўрнатишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Унга кўра, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашни янада кўпайтириш мақсадида жорий йилда уюшма тизимидаги базаларда 16,5 минг тонналик сиғимга эга янги совутқичли омборлар ишга туширилди. Йил охирига қадар яна 4,9 минг тонна сиғимга эга омборхоналарни ишга тушириш мўлжалланмоқда. Бу аҳоли учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли сақлаш имкониятини янада оширади.



Мамлакатимизнинг барча ҳудудида махсус омборлар қурилиб, маҳсулотларни сақлаш технологияси такомиллаштирилаётгани сақланадиган мева-сабзавотлар тури ва ҳажми ошишида муҳим омил бўлаётир. Тизимдаги корхоналар маҳсулотлар захирасини яратиш билан бирга, уни етиштириш билан ҳам шуғулланаяпти. Мисол учун, 1800 гектар майдонда қишлоқ хўжалиги экинлари парваришланмоқда. Қашқадарё, Бухоро, Тошкент ва бошқа вилоятларда чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик хўжаликлари ташкил этилиб, 122 гектар интенсив боғ яратилди. Андижон, Фарғона вилоятларида сутни қайта ишлаш, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ун, дуккакли дон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, Самарқанд вилоятида ўсимлик ёғини қадоқлаш цехлари ишлаб турибди.

Ҳозир уюшма тизимида уч мингдан зиёд фирма дўкони, минимаркет ва супермаркет фаолият кўрсатаётир. Ҳудудларда янги савдо корхоналари ташкил этилиб, уларда аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажми ортмоқда. Термиз шаҳрида, Денов, Зомин туманларида йирик супермаркетлар ишга туширилди. Жорий йилда чакана савдо тармоғини янада ривожлантириш учун тоғли, олис қишлоқларда кўплаб фирма дўконлари ташкил этиш режалаштирилган.

Кўрилаётган бундай чора-тадбирлар қиш мавсумида бозорларимизда ноз-неъматлар арзонлиги ва тўкинлигини таъминлашга хизмат қилади. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, кўрсатилаётган савдо хизматлари сифатини ошириш, халқимизни йил давомида сархил мева-сабзавот билан таъминлашга қаратилган эътибор ва ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**



# Ижтимоий ҳамкорлик самаралари

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Қизил Яримой жамиятининг қурултойи бўлиб ўтди.*

АНЖУМАН

Анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, айниқса, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, уларни миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўз самарасини бераётганини таъкидлашди. Бу борада нодавлат нотижорат, инсонпарварлик ташкилоти ҳисобланган Ўзбекистон Қизил Яримой жамиятининг ҳам муносиб ўрни бор. Давлатимиз раҳбарининг 1992 йил 28 майдаги “Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти тўғрисида”ги Фармони асосида фаолият кўрсатиб келаётган ушбу тузилма халқимиз саломатлигини асрашга ҳисса қўшиш, турли хасталиклар профилактикасини кучайтириш, бу борада аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориш ҳамда ёш авлоднинг шахсий гигиенага доир билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашда муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Қайд этилганидек, ҳисобот даврида 20 мингдан зиёд фуқаро ва эҳтиёжманд оилага 1,5 миллиард сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Турли юқумли ҳамда ижтимоий хавфли касалликлар профилактикаси бўйича маҳаллалар, оилавий поликлиникалар, корхона ва ташкилотлар, таълим масканларида кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижроси доирасида эса Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларига, ёлғиз қариялар, алоҳида эҳтиёжманд фуқаролар, пенсионерларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўлами ортди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**

# Устувор масалалар муҳокама қилинди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Тошкент вилояти**

Фаоллар йиғилишини вилоят ҳокими А. Усмонов бошқарди. Унда вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари ҳамда бошқарма ва идоралар, йирик саноат корхоналари, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари қатнашди. Тадбирда алоҳида қайд этилганидек, ҳудудда 2015 йилнинг тўққиз ойида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 88,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 3,8 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди.

Шунга мос равишда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 7,2 фоизни ташкил этди. Жумладан, саноат маҳсулотлари 13,8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 5,3, кўрсатилган хизматлар ҳажми 12,8, чакана савдо айланмаси 15,7, пуллик хизматлар кўрсатиш 12,2 фоиз ўсишига эришилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ушбу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши 61,2 фоизга етди.

Йиғилишда куз-қиш даврини беталафот ўтказиш, қиш-баҳор мавсуми учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини шакллантириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий ва коммунал соҳа, уй-жой фондининг шу мавсумга тайёрлиги, шунингдек, ичимлик суви таъминотини яхшилаш масалалари ҳам чуқур таҳлил қилинди.

Тадбирда эришилган ижобий кўрсаткичлар билан бирга, йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳам кўрсатилиб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Тошкент вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ. Ибрагимов сўзга чиқди.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

СЕМИНАР

*Ғиждувон туманида “Transkasb” корхоналар уюшмасининг республика семинари бўлиб ўтди. Унда соҳа мутахассислари, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари қатнашди.*

# Маҳорат ва амалиёт

Тадбирда таъкидланганидек, айни пайтда мазкур уюшма тизимида 17 та масъулияти чекланган жамият, 50 дан ортиқ шуъба корхона фаолият кўрсатаяпти. Унинг зиммасига давлат таълим муассасалари ва ташкилотлар қаторида, автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш вазифаси юклатилган.

— Тизим моддий-техника базаси йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда, — дейди ушбу уюшма кенгаши раиси Р. Юсупов. — Ўқув хоналарини замонавий кўргазмали воситалар билан жиҳозлаш, ўқитиш жараёнига илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш, автосарой таркибини автомобиллар билан янгилаш каби ишлар ана шулар жумласидандир. Масалан, жорий йилнинг тўққиз ойида корхоналаримиз томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 60 та автоулов сотиб олинди. Жойларда замонавий мультимедиа воситалари билан жиҳозланган ахборот-ресурс марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Ўқув хоналарига дарс сифати, шунингдек, автомобилларда амалий машғулотлар жараёнини кузатиб бориш имконини берувчи илғор ускуналар ўрнатилди.

Ҳайдовчилик маҳорати амалиёт орқали шаклланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, уюшма корхоналарида автотренажёрлар, замонавий автодромлар ташкил этилаётир. Бу каби чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Шу йилнинг январь — сентябрь ойларида уюшма ўқув муассасалари томонидан жами ўттиз минг нафардан зиёд турли тоифадаги ҳайдовчилар тайёрланди.

Семинарда амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритилар экан, тадбирнинг Ғиждувонда ўтказилиши бежиз эмаслиги қайд этилди. Гап шундаки, ҳududдаги “Ғиждувонавтоустоз” ўқув корхонасида малакали ҳайдовчилар тайёрлаш борасида бой тажриба тўпланган. Бу маскандаги ўқув жараёни, тизимга дахлдор давлат ташкилотлари билан ҳамкорлик натижалари тўпланганларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир доирасида ушбу ўқув корхонасининг янги биноси очилиш маросими ўтказилди. Иншоотда халқ хўжалиги учун малакали ҳайдовчи кадрлар тайёрлаш учун барча қулайлик яратилган. Хусусан, таълим жараёнига замонавий ахборот технологиялари жорий этилган. Маскан жамоаси бир пайтнинг ўзида 250 нафар тингловчини турли тоифадаги ҳайдовчиликка ўқита олади.

Семинарда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан тавсиялар берилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 3 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1921,37 | 1 Россия рубли | 41,82 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4153,69 | 1 Украина гривнаси | 117,08 |
| | | 1 Малайзия ринггити | 627,54 |
| 1 Дания кронаси | 398,16 | 1 Польша злотийси | 699,36 |
| 1 БАА дирҳами | 732,97 | 1 СДР | 3760,56 |
| 1 АҚШ доллари | 2692,13 | 1 Туркия лираси | 947,53 |
| 1 Миср фунти | 335,26 | 1 Швейцария франки | 2727,59 |
| 1 Исландия кронаси | 21,02 | 1 евро | 2973,13 |
| 1 Канада доллари | 2059,94 | 10 Жанубий Корея вони | 23,63 |
| 1 Хитой юани | 424,90 | 10 Япония иенаси | 223,73 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# Ишончли ҳимоя, эркин фаолият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Биргина жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 959 та тадбиркорлик субъекти фаолияти йўлга қўйилиб, тижорат банклари томонидан ишбилармонларга 284,7 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Натижада иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари — саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ишларида, чакана савдо айланмаси, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва жами хизматларда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг қўшаётган улуши йилдан-йилга ортиб бориши таъминланди. Қолаверса, ҳудудларнинг ижтимоий инфратузилмасини замон талаблари асосида ривожлантиришда, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган ислоҳотлар жараёнида ишбилармонларимиз ташаббус, фаоллик кўрсатаётгани ғоятда қувонарлидир.

Тадбиркорларни янада рағбатлантириш, уларни илғор бизнес ғояларга ундаш, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириши учун кўмаклашиш чора-тадбирларига эътибор кучайтирилаётир. Жумладан, ишбилармонлар учун яратилган имтиёз ва преференцияларни кафолатлаш баробарида, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти текшируви бўйича жорий этилган тартиб бузилишининг олдини олишга ҳаракат қилинаяпти.

Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳам хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш, уларни жадал ривожлантиришга қаратилган юқоридаги Фармон ҳамда Қонун ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жойларда бу йўналишдаги ишлар ўрганилиб, мавжуд муаммолар доимий комиссия йиғилишларида муҳокама этилаяпти, амалий ечимлар ишлаб чиқилаётир.

Қолаверса, хусусий сектор вакиллари билан ўтказилаётган учрашувларда тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатловчи қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти атрофлича тушунтирилаяпти.

Маълумки, эндиликда микрофирмалар, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолияти бўйича барча текширувлар режали асосда тўрт йилда бир мартадан кўп бўлмаган, бошқа хўжалик субъектларини текшириш уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган ва фақат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши қарори билан амалга оширилади. Айни пайтда молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувларни амалга ошириш муддати 30 календарь кунидан 10 кунгача қисқартирилган.

Шунга кўра, ҳозир ушбу қонуний меъёрлардан келиб чиққан ҳолда доимий комиссиямиз 2015 йил текширишлар режа-жадвалини қайта кўриб чиқиб, охирги режали текширишларга тегишли равишда уч ва тўрт йил тўлмаган тадбиркорлик субъектларини ушбу режа-жадвалдан чиқариш, шунингдек, текширишларни тартибга солишга доир амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича иш олиб бормоқда.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини тўлиқ таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, бизнес ғояларини рағбатлантириш масалалари ҳам диққат-эътиборда. Бундан ташқари, барча коллежларда доимий комиссия аъзолари вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда тижорат банклари ходимлари билан биргаликда ўқувчи-ёшларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қизиқишни янада ошириш учун амалий семинарлар, очиқ мулоқот ҳамда учрашувлар ўтказиб келаётгани ўз самарасини бермоқда.

Мухтасар айтганда, вилоятда иқтисодий ислоҳотлар изчил олиб борилиши, бу борадаги қонунларнинг, давлат дастурлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг ўз ҳаётий тасдиғини топишига, пировардида фуқароларимизнинг бандлиги ҳамда турмуш сифатини юксалтиришга қаратилган фаолиятимизни бугунги кун талабларига мувофиқ такомиллаштиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Тадбиркорлик субъектлари манфаатлари ва фаолияти эркинлигини ишончли муҳофаза этиш эса уларни янада ривожлантиришнинг бош омилидир.

**Шерзод САЛИМОВ,**
**халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси аъзоси.**

# Малакали кадрлар тайёрлаш тизими такомиллашмоқда

*Республикамизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар изчиллиги ҳамда самарадорлигини таъминлаш мақсадида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, юксак салоҳиятли, сиёсий ва маънавий жиҳатдан етук раҳбар кадрларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётир.*

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бозор иқтисодиёти, монетар ва фискал сиёсат, менежмент ҳамда маркетинг, молия-банк тизими, ҳуқуқий соҳаларда чуқур билимга, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгиланиш дастурларини амалга оширишда бошқарув кўникмаларига эга раҳбар кадрларни тайёрлаб бераётган ўқув даргоҳи ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 20 августдаги Фармонига асосан, Академиянинг фаолияти тубдан кўриб чиқилиб, айни пайтда ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва ахборот-таҳлилий йўналишлардаги ишларни халқаро стандартлар даражасида ташкил этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Бу ерда давлат бошқаруви мутахассислигининг учта ихтисослиги, яъни иқтисодиёт соҳасида менежмент, ижтимоий соҳада менежмент ҳамда ҳудудлар менежменти бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Тошкент шаҳрида мамлакатимизда раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги ислоҳотлар ҳамда бу борадаги устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган анжуманда ана шулар хусусида сўз юритилди. Унда Давлат бошқаруви академияси профессор-ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Жанубий кореялик мутахассислар иштирок этди.

Таъкидланганидек, мазкур ўқув даргоҳида тайёрланаётган кадрларда ахборот-коммуникация технологияларида эркин ишлай олиш, чет тилларини билиш, миллий тараққиёт стратегиясини тушуниш, таҳлил қилиш, психологик барқарорлик, ўз устида доимий ишлаш, соғлом турмуш қоидалари ва раҳбар этикасига қатъиян амал қилиш каби сифатлар шакллантирилмоқда. Ўқув жараёнига инновацион усуллар, тест ва таълим бериш сифатини баҳолаш тизимлари кенг татбиқ қилинаётгани давлат бошқаруви мутахассислиги бўйича истиқболли бошқарув кадрларини, шу жумладан, юқори лавозимларга тавсия этиш захирасида турган давлат хизмати ходимларини қайта тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, давлат бошқаруви масалалари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, хорижий давлатларнинг бошқарув тизимини ташкиллаштириш тажрибасини ўрганиш ҳамда шу асосда мамлакатимизда раҳбар кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасидаги ислоҳотларни такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш йўлга қўйилган.

— Ҳозирги кунда раҳбар кадрларни тайёрлашда менежмент фанларига алоҳида урғу берилмоқда, — дейди Академиянинг илмий ишлар ва халқаро алоқалар бўйича проректори, профессор Баҳодир Ғойибназаров. — Эътиборли жиҳати шундаки, муассасамиз профессор-ўқитувчилари орасида юқори илмий салоҳиятга эга ёшлар кўпчиликни ташкил этади ва уларнинг аксарияти жаҳондаги нуфузли университетларда ўқиб, илмий даража олган олимлардир.

Очиқ мулоқот руҳида ўтган тадбирда раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда бугунги давр талаблари эътиборга олинаётгани қайд этилиб, бу борада тўпланган тажрибаларни мукаммаллаштириш, халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Дунёдаги энг йирик молия корпорацияларидан бири — "Deutsche Bank" (Германия) 2020 йилгача 9 мингта иш ўрнини қисқартириб, Аргентина, Чили, Мексика, Уругвай, Перу, Дания, Норвегия, Финляндия, Мальта ва Янги Зеландиядаги фаолиятини тўхтатмоқчи.*

### Режалар ўзгарди

"Бу ҳақда унинг раҳбари Жон Крайен маълум қилди", дейилади "CNBC" телеканали хабарида. Корпорация яқин беш йил ичида 6 мингта штатдан ташқари ходимини ишдан бўшатади. Ўз навбатида, 4 миллиард евролик активлар сотилиши режалаштирилаяпти. Сабаби, мазкур кредит ташкилоти жорий йилнинг учинчи чорагини 6 миллиард евро миқдорида зарар билан якунлади.




### Янги самолёт тақдимоти

*Хитойнинг Шанхай шаҳрида маҳаллий "Comac" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган янги "C919" йўловчи самолётининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.*

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу ҳаво лайнери авиатранспорт бозорида "Boeing" ва "Airbus" каби йирик компаниялар маҳсулотларига жиддий рақобат туғдириши мумкин. "Comac" вакиллари ҳозиргача 21 харидордан 517 та ана шундай самолётга буюртма келиб тушганини билдиришди.

### Кўмакка муҳтож

*Грециянинг тўртта энг йирик банкига фаолиятини барқарор давом эттириши учун 14,4 миллиард евро миқдорида қўшимча маблағ зарур, дея ёзилади "The Wall Street Journal" нашрида.*



Европа марказий банки томонидан ушбу мамлакатдаги "NBG", "Piraeus Bank", "Eurobank Ergasias" ва "Alpha Bank"да олиб борилган текширув якунларида ана шундай хулосага келинди.

Бундан олдин Еврокомиссия Грецияда ЯИМ ҳажми жорий йилда 2,3 фоиз, 2016 йил охирига бориб эса 1,3 фоиз пасайишини тахмин қилганди.

### Бир йилда икки баҳор



*Дунёдаги энг қуруқ жой — Чилидаги Атакама чўлида шу йилнинг ўзида кутилмаганда иккинчи марта баҳор нафаси кузатилди. "Yahoo News" манбасининг хабар беришича, саҳро сариқ, қизил, сиёҳранг ва оқ тусдаги гуллар билан қопланган.*

Аслида бу ер ўнлаб йиллар ёмғир кўрмайди. Унинг асосий ҳудудида ҳаёт йўқ, фақатгина лишайниклар, майда кактуслар учрайди холос.

Экологик ўзгаришлар туфайли кузатилган кучли ёғингарчиликлар Атакама бағрида "ухлаб" ётган ўсимликлар илдизларига қайта жон бахш этгани айтилмоқда.

Бундан олдинги худди шундай нафис манзара март ойида намоён бўлганди.

### Чиндуин дарёсидаги фалокат

*Мьянмадаги Чиндуин дарёсида йўловчи пароми ҳалокатга учради.*

Оқибатда олти киши ҳаётдан кўз юмди ва яна шунча киши бедарак йўқолди. Маълумотларга қараганда, маҳаллий йўналишда ҳаракатланган мазкур кема бортида 65 нафар одам бўлган. Фалокат жойида қидирув-қутқарув ишлари давом эттирилмоқда.



### Якуний турнир ғолиби аниқланди

*Польшалик ракетка устаси Агнешка Радваньска Аёллар теннис ассоциацияси (WTA)нинг жорий йилдаги якуний турнири ғолибига айланди.*

У Сингапурда ташкил этилган мусобақанинг финал ўйинида чехиялик Петра Квитовани мағлубиятга учратди.

Ярим финалда Агнешка испаниялик Гарбинье Мугурусни ортда қолдирган бўлса, Петра россиялик Мария Шарапова устидан зафар қучганди.

Эслатиб ўтамиз, йилнинг охирги турнирида дунёнинг биринчи ракеткачиси, АҚШлик Серена Уильямс жароҳати туфайли иштирок этмади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

ЭЪЛОНЛАР

XALQ BANKI
КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Акциядорлик тижорат Халқ банки**

**тендер савдоларини ташкил этувчи ташкилотларни аниқлаш бўйича танлов муддати узайтирилганини эълон қилади.**

1. Танловда тендер савдоларини ўтказиш бўйича тегишли лицензияга эга бўлган маҳаллий фирма ва ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.
2. Танлов комиссияси ишчи органи манзили ва телефони: Акциядорлик тижорат Халқ банки, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 3-уй. Телефонлар: (+99871) 120-17-48, 120-17-49, 120-17-81. E-mail: marketing@xb.uz
3. Танлов мақсади — тендер савдоларини ташкил этувчи ташкилотни танлаш.
4. Тендер савдолари ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни www.xb.uz сайтидан, шунингдек, душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали олиш мумкин.
5. Тижорат таклифлари 2015 йил 12 ноябрь соат 18.00 гача қабул қилинади.
6. Тақдим этилган тижорат таклифлари танлов шартларига жавоб бермаган тақдирда, ушбу ташкилотлар мазкур танловда қатнашмайди.

1635R/120

XALQ BANKI
КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Акциядорлик тижорат Халқ банки**

**халқаро VISA пластик карточкалари учун ПИН-конвертларни харид қилиш бўйича танлов ўтказиш тўғрисида эълон қилади.**

Тендер савдоларида чет эл фирма ва ташкилотлари, маҳаллий етказиб берувчилар, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларни етказиб бериш малакасига эга бўлган кичик бизнес субъектлари, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва/ёки уларнинг авторизациясига эга етказиб берувчилар қатнашишлари мумкин.

**1.** Тендер комиссияси ишчи органи номи ва манзили: Акциядорлик тижорат Халқ банки, Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 3-уй. Телефонлар: (+99871) 120-17-65, 120-17-48. E-mail: marketing@xb.uz

**2.** Тендер савдоси предмети — халқаро VISA пластик карталари учун 10 000 дона ПИН-конверт етказиб бериш.

**3.** Тўлов шакли — аккредитив.

**4.** Тендер савдолари ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни www.xb.uz сайтидан, шунингдек, душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали олиш мумкин.

**5.** Тижорат таклифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертга, техник талаблар бўйича алоҳида конвертга корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2015 йил 17 ноябрь соат 18.00 гача (Тошкент вақти билан) қабул қилинади.

1636A/120

**«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига «O'zmarkazimpeks» АЖнинг 2015 йил 28 октябрдаги 30/03-06/7356-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 109-уйда сақланаётган қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

| Т/р | Бошқа турдаги мулкларнинг номи | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|
| 1. | «Анор-14» қандили | 6 819 220 |
| 2. | Жалюзалар | 7 180 230 |
| 3. | 20 дона ошхона столи (90*90), 80 дона стул билан | 3 642 850 |
| 4. | Президиум (225*60*80), минбари билан (50*50*120) | 3 091 170 |
| 5. | 100 литрли «КПЭМ» овқат пишириш қозони | 3 321 430 |
| 6. | «ПЭ-0,51 ШП-1» электр плитаси, қовуриш шкафи билан | 3 045 700 |
| 7. | «ПЭ-0,51 ШП-1» электр плитаси, қовуриш шкафи билан | 3 045 700 |
| 8. | «ШХС 0,8» шкаф-музлаткичи | 2 447 660 |
| 9. | «ШХС 0,6 9» шкаф-музлаткичи (музлатиш камераси билан) | 2 365 790 |
| 10. | Ҳаво торткич вентиляцияси | 2 594 420 |
| 11. | Пештахта, анжомлар ва патнислар столи | 1 415 990 |
| 12. | Яхна овқатлар пештахта-витринаси | 4 491 910 |
| 13. | 1-таом мармити | 2 216 920 |
| 14. | 2-таом мармити | 3 285 590 |
| 15. | Иссиқ ичимликлар пештахтаси | 1 852 750 |
| 16. | Электр това | 2 904 000 |
| 17. | Алюминий витраж (ойнаси билан) (277*285) | 909 170 |
| 18. | Овқатланиш столи (260*120) | 471 090 |
| 19. | Ошхона VIP-зали учун стул | 50 730 |
| 20. | Темирдан тайёрланган ишлаб чиқариш столи | 356 580 |
| 21. | «МИМ-300» электр гўшт қиймалагичи | 1 556 420 |
| 22. | Овқат чиқиндилари учун темир стол (105*285) | 381 900 |
| 23. | Бар учун мебель тўплами (стенка, баланд стол, 4 дона бар стули, совутқич-витрина, «Indesit IDL 55» идиш-товоқ ювиш машинаси) | 4 999 230 |
| 24. | Стол (бар учун) | 273 830 |
| 25. | Стул «Ванесса» хром | 50 780 |
| 26. | Жалюзалар № 1 | 440 520 |
| 27. | Жалюзалар № 2 | 37 010 |
| 28. | Жалюзалар № 3 | 74 020 |
| 29. | Темир панжара | 439 560 |
| 30. | «CDNE-10M» иссиқлик ва сув ўлчагич тўплами | 8 855 240 |
| 31. | «AOG60 RPAGT» бошланғич кондиционери учун компрессор | 2 563 860 |
| 32. | 6 каналли «DRV» видеокузатув жиҳози | 14 290 010 |
| 33. | «1/3 INCH Sony0.005 Л/К 1» қуббали камера, рангли матрица | 651 800 |
| 34. | «1/3 INCH Sony0.005 Л/К 1» қуббали камера, рангли матрица | 651 800 |
| 35. | «1/3 INCH Sony0.005 Л/К 1» қуббали камера, рангли матрица | 651 800 |

Аукцион савдоси 2015 йил 11 декабрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 9 декабрь куни соат 18.00.

Мол-мулклар 2015 йил 11 декабрь куни сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий савдолари 2015 йил 28 декабрь, 2016 йил 13, 29 январь ва 15 февраль кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 28 декабрдаги савдо учун — 25 декабрь куни, 2016 йил 13 январдаги савдо учун — 11 январь куни, 29 январдаги савдо учун — 27 январь куни, 15 февралдаги савдо учун — 12 февраль куни соат 18.00.

Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим қилинади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» АЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114 , МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.**

Гувоҳнома № 001580.

1638A/17

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига «O'zmarkazimpeks» АЖнинг 2015 йил 28 октябрдаги 30/03-06/7357-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 109-уй (собиқ Буюк Ипак йўли кўчаси, 75-уй)да жойлашган, умумий майдони 3618 кв.м., ер майдони 1402 кв.м. бўлган 4 қаватли, ертўлали бино қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 9 378 130 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 11 декабрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 9 декабрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк 2015 йил 11 декабрь куни сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдолари 2015 йил 28 декабрь, 2016 йил 13, 29 январь ва 15 февраль кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 28 декабрдаги савдо учун — 25 декабрь куни, 2016 йил 13 январдаги савдо учун — 11 январь куни, 29 январдаги савдо учун — 27 январь куни, 15 февралдаги савдо учун — 12 февраль куни соат 18.00.

**Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:**

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;
- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда, расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Савдо ғолибига 15 (ўн беш) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел./факс: (0-371) 228-80-23. www.1kms.uz Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz**

Лицензия: RR-0001.

1634A/02

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Бухоро вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Ромитан тумани СИБ томонидан Бухоро вилояти хўжалик судининг 2015 йил 23 сентябрдаги 20-1506/9048-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ромитан тумани, Ромитан шаҳри, Самосий кўчасида жойлашган, ер майдони 2496,6 кв.м.дан иборат бўлган автомобилларга ёнилғи қуйиш ва техник хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 286 600 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 2 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 30 ноябрь куни соат 18.00. Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ХАТБ «InFinBank» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804920609029, МФО: 01107, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси, 4-қават. Телефон: (0-365) 221-58-70. www.1kms.uz**

Лицензия: № RR 0001.

1633A/02

# Камолот сабоқлари

*Гулистонлик Севинч Абдувалиева — тасвирий санъат шайдоси. Бир неча йилдирки, Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги “Баркамол авлод” болалар марказининг “Ёш мусаввир” тўгарагига қатнайди. Машғулотлар мактаб дарсларидан сўнг, ўқувчилар учун қулай вақтда белгиланган. Бу эса Севинч каби ижодкор ёшлар учун айни муддаодир.*

**ҒАМХЎРЛИК**



Шогирдлар иқболи — устознинг бахти. Бугун марказда болаларга сабоқ бераётган Вилоятхон Бозорованинг асл нияти шу. Республика рассомлик коллежини битирган ёш мусаввир айни пайтда ҳар бир ўқувчининг кўнглига йўл топиб, истеъдодини юзага чиқаришга эришмоқда. Пировардида бу ерда маҳорат оширган навқирон авлод вакиллари орасидан кўплаб тасвирий санъат усталари етишиб чиқаётир.

— Ҳозир бадиий ижодиёт, техник ижодкорлик, ўлкашунослик ва экология йўналишларида 36 та тўгарагимиз фаолият кўрсатмоқда, — дейди муассаса директори вазифасини бажарувчи Наргиза Холмуротова. — Машғулотларда ўқувчиларнинг изланиш ва интилишлари қўллаб-қувватланаётир. Ўзлари танлаган ҳунарларни қунт билан, қисқа муддатда ўзлаштиришларига астойдил кўмаклашаяпмиз.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида вилоятдаги “Баркамол авлод” болалар марказлари тубдан таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланганини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Натижада уларнинг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланиши баробарида, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш самарадорлиги ошди. Бинобарин, марказларда янги педагогик технологиялар ва илғор тажрибалардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилиб, замонавий ўқув дастурлари ҳамда услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди. Ҳозир умумий ўрта таълим мактабларида ҳам ушбу муассасалар тўгараклари ишлаб турибди. Масалан, “Баркамол авлод” болалар маркази машғулотлари Сайхунобод туманидаги чекка қишлоқларни ҳам қамраб олган. Уларни ташкил қилишда болаларнинг қизиқишлари, маҳаллий ўзига хослиги ва ота-оналарнинг таклифлари алоҳида инобатга олинаяпти. Боёвут туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактаби қошида боғдорчилик тўгараги очилишига ҳам айнан ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари истаги асос бўлди. Ҳозир бу ерда ўнлаб болалар соҳибкорлик кўникмаларини шакллантиришмоқда.

— Қизим Ироданинг тикувчилик ва тўқувчиликка қизиқиши борлигини сезиб, бундан уч йил аввал вилоят “Баркамол авлод” марказига олиб боргандим, — дейди Гулистон шаҳрида яшовчи Назокат Казакова. — Ҳозир мактаб ўқувчиси бўлса-да, уни оиламиз чевари деб атаймиз. Чунки ўтган қисқа вақт мобайнида фарзандим ушбу ҳунар сирларини пухта ўзлаштириб олди. Қолаверса, у “Журналист ва нотиқлик” тўгарагига ҳам аъзо. Қизимнинг машғулотлардаги иштирокини кузатиш учун ўзим ҳам тез-тез марказга бориб тураман.

Ҳақиқатан ҳам, тўгараклар катта-кичикни ўзига жалб этади. Сабаби, Ирода қатнашадиган тўқиш хонаси тикувчилик цехини эслатади. Бу ерда ҳар бир ўқувчи учун алоҳида тикув машинаси ҳамда зарур жиҳозлар мавжуд. Бундай шарт-шароит ва қулайликлар бошқа тўгаракларда ҳам яратилган.



**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Муаллиф олган суратлар.

КЎРГАЗМА

*Пойтахтимиздаги Маданият ва санъат кўргазмаси биносида халқ амалий санъати буюмлари савдо-ярмаркаси ташкил этилди. Унда юздан ортиқ ҳунарманд ҳамда тадбиркорлар тўрт юзга яқин турдаги маҳсулотлари билан қатнашди.*

# Санъат даражасидаги ҳунар

Наққошлик, заргарлик, зардўзлик, миллий матолар, каштадўзлик, ёғоч ўймакорлиги каби ҳунармандчилик маҳсулотлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, Марғилоннинг камалак жилосидаги атласу адраслари, шойию беқасамлари, Нурота кашталари, самарқандлик ва китоблик аёллар тиккан сўзаналар кўпчиликнинг диққатини тортди.

— Давлатимиз томонидан халқ амалий санъати турларини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли фаолиятимиз йилдан-йилга ривожланмоқда, — дейди пойтахтлик Саида Юсупова. — Биз пардоз буюмлари, зебу зийнатлар ва совғалар учун ноодатий идишлар ясашни ўзлаштирганмиз. Айни пайтда оддий ипдан ясалган ушбу буюмларга эҳтиёж юқори.

Тадбир доирасида ҳунармандчиликнинг бир қатор йўналишлари бўйича маҳорат сабоқлари, “Арт-терапия” машғулотлари, давра суҳбатлари ўтказилди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА.**

# Эътироф ва рағбат

*Тошкент шаҳрида Халқ таълими вазирлиги томонидан “Йилнинг энг яхши мактаб директори” кўрик-танлови республика босқичи ўтказилди.*

**ТАЪЛИМ**

“Маҳоратли бошқарув — таълим самарадорлиги омили” шиори остида ташкиллаштирилган мазкур тадбирда қуйи босқичларда ғолибликни қўлга киритган ўқув муассасалари раҳбарлари ўз маҳоратини намойиш этди.

Тизимда фаолият кўрсатаётган устоз ва мураббийлар ўртасида ташаббускор, янгиликка интилувчи, тажрибали педагогларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш эзгу анъанага айланган. “Йилнинг энг яхши мактаб директори” кўрик-танлови шартларига кўра, унда камида уч йиллик раҳбарлик иш тажрибасига эга, ҳамкасблари ўртасида обрў-эътибор қозонган, касбига фидойи мактаб директорлари қатнашади.

Якунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан бир нафардан энг яхши мактаб директорлари аниқланиб, уларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Шавкат ХЎЖАҚУЛОВ.**

# Спорт

*Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида ташкил этилган дзюдо бўйича “Катта дубулға” туркумига кирувчи халқаро турнирда икки нафар ҳамюртимиз совриндорлар сафидан жой олди.*

**ДЗЮДО**

## Полвонларимиз совриндорлар сафида

Жумладан, вазни 60 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида Диёрбек Ўрозбоев бразилиялик Фелипе Китадаи, франциялик Софиане Милоус, грузиялик Лухуми Чхвимиани ва арманистонлик Хованнес Давтянни мағлубиятга учратиб, бронза медални қўлга киритди.

Вазни 66 килограммгача бўлган дзюдочилар ўртасида эса Ришод Собиров худди шундай натижани қайд этди. Маҳоратли спортчимиз колумбиялик Хуан Херенандес, италиялик Элио Верде, канадалик Энтон Боучард ва германиялик Себастиян Сейдлни енгиб, кучли учликдан ўрин эгаллади.

*Пойтахтимизда универсал жанг бўйича спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасида Ўзбекистон кубоги баҳслари ўтказилди.*

**УНИВЕРСАЛ ЖАНГ**

## Кубок баҳслари ўтказилди

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлари ва қўл жанги санъатини ривожлантириш маркази ҳамда Универсал жанг федерацияси томонидан уюштирилган мусобақада Азизбек Усмонов, Фахриддин Эминов, Асадбек Неъматов, Жалол Шавкатов, Давлат Шералиев, Лочинбек Исматуллаев, Азизбек Исроилов, Мунира Абдуллаева, Гўзал Содиқова, Ирода Ҳотамбоева каби умидли спортчилар ўз ёш тоифаларида ғолибликка эришди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

# Энг фаол маънавият тарғиботчиси

*Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгариш ҳамда янгиланишларга дахлдорлик ҳиссини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

**ТАНЛОВ**

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори муҳим омил бўлаяпти.

Навоий шаҳрида ташкил этилган “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” кўрик-танловининг вилоят босқичида мазкур йўналишда жойларда олиб борилаётган ишлар ўз аксини топди.

Хусусан, ижодий кўрикнинг қуйи босқичларида ғолибликка эришган 10 нафар маънавият тарғиботчиси учта шарт асосида ўзаро беллашди.

Якуний натижага кўра, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Навоий ҳудудий бўлинмаси етакчи мутахассиси Жонибек Шуҳратов муваффақият қозониб, танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


XALQ BANKI — КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Акциядорлик тижорат Халқ банки**

**2016 йил учун маҳаллий ва чет эл даврий нашрларига обуна ташкил этиш юзасидан танлов эълон қилади.**

1. Танлов комиссияси ишчи органи манзили ва телефони: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 3-уй. Телефонлар: (+99871) 120-17-48, 120-17-49 (ички телефон: 11-82). E-mail: marketing@xb.uz
2. Танлов савдолари ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзил ҳамда телефонлар орқали олиш мумкин.
3. Тижорат таклифлари (конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2015 йил 17 ноябрь соат 18.00 гача қабул қилинади.

1637А/120

«TOU Ko.LTD» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини таклиф этади.

«UNIVERSAL SERVICES of CENTRAL ASIA» хорижий корхонаси махсус қурилиш техникалари эҳтиёт қисмларини ва сервис хизматларини таклиф этади.




Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар рўйхатга олинган.

Манзил: 100039, Тошкент ш., Юнусобод т., Чинобод к., 87-уй.

Савдо бўлими
Тел.: (+99871) 200-00-27/28. (+99890) 805-60-52/53.
E-mail: doosansales@uztow.com

Сервис хизмати
Тел.: (+99871) 200-00-26, (+99890) 189-71-54, 968-71-79.
E-mail: servicedoosan@uztow.com

115R/69

«FPI DELIVERY SERVISE» МЧЖ

боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ҳамда хашак ўришга мўлжалланган ихчам, қулай ва камхаражатли мотокультиваторларни тавсия қилади.

*Мотокультиваторлар 6, 6,5 ва 9 от кучига эга. Дизель ва бензин ёнилғисида ишлайди.*



Маҳсулотлар сертификатланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй (мўлжал: Юнусобод тумани, 1-сонли нотариал идора).
Маълумот учун тел.: (+99890) 176-81-45, 968-56-77, 989-09-62, (0-371) 234-42-17.

884R/449

«Қибрай» клиник санаторийси



юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

Фин, турк, япон сауналари, бассейн ва жакузи ванналари, фитобочка, инфрақизил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди.

Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.
Тел.: (0-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.

02R/955

Барча турдаги юк автомобиллари ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун ШИНАЛАР



Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар лицензияланган.

1585R/740

Тел.: (+99895) 170-32-52. Факс: (+99871) 250-07-40.


Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси Саноат иқтисодиёти кафедраси катта ўқитувчиси Нафас Ўроқовга волидаи муҳтарамаси **ПАРДА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик университети жамоаси Ҳуқуқий информатика ва тизимли таҳлил кафедраси ўқитувчиси Минаввархон Юнусовага волидаи муҳтарамаси **Сорахон ЮНУСОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 73 041 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5